

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАХИДОВА ДИЛБАР НЕМАТОВНА

**ПОЛИАКРИЛОНИТРИЛ АСОСИДАГИ ЯНГИ АНИОНИТЛАРНИНГ
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

02.00.04 - Физик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Шахидова Дилбар Нематовна

Полиакрилонитрил асосидаги янги анионитларнинг
физик-кимёвий хоссалари..... 3

Шахидова Дилбар Нематовна

Физико-химические свойства новых анионитов
на основе полиакрилонитрила..... 21

Shakhidova Dilbar

Physico-chemical properties of new anionites
based on polyacrylonitrile..... 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАХИДОВА ДИЛБАР НЕМАТОВНА

**ПОЛИАКРИЛОНИТРИЛ АСОСИДАГИ ЯНГИ АНИОНИТЛАРНИНГ
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

02.00.04 - Физик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/К36 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kimyo.nuuz.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафурова Дилфуза Анваровна
кимё фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рўзимурадов Олим Норбекович
кимё фанлари доктори, доцент

Тробов Хамза Турсунович
кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «26» 08 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail:chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (62 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «19» 08 кунни таркатилди.
(2020 йил «18» 08 даги 4 рақамли реестр баённомаси).


Х.Т. Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси к.ф.д., профессор
З.А. Сманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қотиби к.ф.д., профессор
А.Ж. Холиқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда кенг миқёсдаги илмий ва амалий масалаларни ҳал қилишда ионалмашинувчи технологиялардан фойдаланиш, айниқса таркибида турли керакли хоссага эга бўлган гуруҳлар тутган ионитлар олишнинг физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳамда ушбу ионитларнинг физик-кимёвий хоссаларини текшириш долзарб ҳисобланади.

Дунёда ионалмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи сорбентларнинг ионларга нисбатан селективлигини ошириш бўйича физик-кимёвий изланишлар, саноат ва экологик муаммоларни бартараф этишга ёрдам берувчи юқори сорбцион хусусиятли термик ҳамда кимёвий барқарор ионалмашинувчи материалларни олишнинг физик-кимёвий жиҳатлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, метал ионларини анализи, экология ва гидрометаллургиядаги технологик муаммоларни ечишда ишлатиладиган сорбентлар яратишнинг физик-кимёвий асосларини ўрганиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган. Уларнинг ишлатилишини физик - кимёвий жараёнларини текшириш кимёвий товарлардан то сувни тозалаш технологиясигача бўлган турли хил соҳаларни қамраб оладиган кўплаб ишлаб чиқаришларнинг самарали бўлишида ҳал қилувчи омиллардан биридир.

Мамлакатимизда ион алмашувчи технологияларга талаб юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий хомашё асосида сорбентлар олиш жараёнларининг физик-кимёвий жиҳатларини тадқиқ қилиш ва улар асосида сорбентлар яратишни мақбул шароитларини аниқлаш, уларни жорий этилиши, ҳукуматимиз томонидан янги турдаги кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни жадаллаштириш, шу асосда республиканинг кимё саноати корхоналарини янада барқарор ривожлантириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича бир қатор амалий ишларни олиб боришни кенгайтирмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹да «маҳаллий хомашёларни чуқур қайта ишлашни кўзда тутувчи саноатни янги сифат жиҳатдан юқорига кўтариш» ҳамда «ички ва ташқи бозорларда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулотларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш» га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада кимё саноатида олинаётган полимерларни турли хил усуллар билан модификациялаб, комплекс хоссали материаллар олиш тармоқларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги №ПФ-5953-сонли «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни Ҳаракатлар стратегияси» ҳақидаги Фармони ва 2019 йил 3

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нитрон толаси саноатда ишлаб чиқариладиган ва кенг тарқалган полимер бўлганлиги учун у асосида толасимон ион алмашинувчи материаллар олишининг физик-кимёвий жиҳатларини тадқиқ қилиш, олинган ион алмашинувчи сорбентларни физик кимёвий хоссаларини текшириш бўйича талайгина илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Нитрон толасини модификациялаш бўйича физик-кимёвий тадқиқотларни олиб боришда Зильберман Е.Н., Зверев М.П., Вольф Л.А., Солдатова В.С., Wang L.S., Carragher С.Е., Геллер Б.Э. ва бошқа олимларнинг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистонлик олимлар Ахмедов К.С., Ризаев Н.У., Аскарров М.А., Жалилов А.Т., Мусаев У.Н., Бабаев Т.М., Мухамедиев М.Г., Рафиков А.С., Набиева И. ва бошқалар ионалмашинувчи толасимон полимерлар олиниши ва хоссаларининг физик-кимёвий жиҳатларини тадқиқ қилиш орқали ионалмашув толасимон материалларни синтез қилиш ва қўллаш бўйича илмий изланишларга салмоқли улуш қўшганлар.

Нитрон толасини полиэтиленполиамин билан модификациялаш ҳамда у асосида кучли асосли ва комплекс хосил қилувчи ионитни синтез қилиш ва хоссаларининг физик-кимёвий жиҳатларини тадқиқ қилиш махсус хоссага эга янги турдаги импорт ўрнини босувчи толасимон материални яратишга олиб келади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170925290 «Маҳаллий хомашёлар асосида ионитлар олиш ва уларни саноат чиқиндиларидан рангли ва камёб металлларни сорбциялашда қўллаш» (2018-2020 йй.), ИОТ-2017-7-4 «Сорбентлар асосидаги термик барқарор тузлардан, газларни тозалашда қўлланадиган, метилдиэтанолламинни тозаловчи фильтр элемент» (2018-2019 йй.) амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади полиакрилонитрил асосида анионит, поликомплексонлар олиниши ва хоссаларининг физик-кимёвий жиҳатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

полиакрилонитрилни полиэтиленполиамин билан кимёвий модификациялашнинг кинетикасини тадқиқ қилиш;

полиакрилонитрилни полиэтиленполиамин билан модификациялаш

орқали олинган анионитни (ППА-1) дихлорэтан таъсирида кимёвий ўзгаришининг (ППД-2) кинетик параметрларини тадқиқ қилиш;

янги ППА-1 ва ППД-2 анионитларни кимёвий ва термик барқарорлигини текшириш;

поликомплексонлар олиш учун ППА-1 анионитини монохлорсирка кислотаси билан кимёвий ўзгартиришнинг кинетикасини таҳлил қилиш;

полиэтиленполиамин ва дихлорэтан билан полиакрилонитрилни модификациялаш орқали олинган анионитларга хром (VI) ионларини ва поликомплексонларга Cu(II) ионларини сорбция жараёни кинетика ва термодинамикасини тадқиқ қилиш;

синтез қилинган анионит ва поликомплексонларни саноат шароитида қўллаш учун лаборатория синовидан ўтказиш, металл ионларини аниқлаш ва ажратиш, саноат эритмалари ва чиқинди оқава сувларини ифлослантирувчи моддалардан тозалаш бўйича жорий қилишга тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти – сифатида полиакрилонитрил толаси, анион алмашувчи ва комплекс ҳосил қилувчи материаллар, полиэтиленполиамин, дихлорэтан, монохлорсирка кислотаси, металл тузлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети – кимёвий ўзгаришлар, сорбция, десорбция, регенерация, жараёнлар кинетикаси ва термодинамикасидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида ИҚ-, УБ-спектроскопия, сканирловчи электрон микроскопия, дифференциал термик таҳлил, потенциометрия каби замонавий назарий ва экспериментал тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор полиэтиленполиамин ва дихлорэтан билан полиакрилонитрил толасини кетма-кет модификациялаб таркибида кучли асос гуруҳлари тутган анионитлар олишнинг кинетик параметрлари аниқланган ва мақбул шароитлари топилган;

илк бор полиэтиленполиамин билан модификацияланган полиакрилонитрил толасининг амин гуруҳларини монохлор сирка кислота билан ўзаро таъсирлашининг кинетик жиҳатлари аниқланган;

ПАН ни ПЭПА билан модификациялаш жараёнида айланиш даражаси ортиши билан полимерни устки молекуляр тузилиши ўзгариши, яъни кристалл ҳолатдан аморф ҳолатга ўтиши исботланган;

анионитларга хром (VI) ва поликомплексонларга мис (II) ионлари ютилишининг кинетик ҳамда термодинамик параметрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

анион алмашувчи материаллар таркибида кучли асос гуруҳлари бўлганлиги учун, хром (VI) ионларини самарали ютиш қобилятига эга эканлиги аниқланган;

поликомплексонлар полиамфолит табиатга эга бўлгани учун эритмалардан рН нинг турли қийматларида мис (II) ионларини ютиши кўрсатилган;

олинган анионит «МАХАМ-СНІРСНІQ» АЖда конвертор газини тозалашда ишлатиладиган метилдиэтанолламинни термик барқарор тузлардан тозалашда қўлланилган;

анионитлар асосида яратилган иммобилланган ташувчилар «Muborak gaznu qayta ishlash zavodi» МЧЖ да аналитик кимё лабораторияларида атроф муҳит объектлари ва технологик материаллардан кобальт ва никел ионларини аниқлашда ишлатилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончилиги ИҚ-, УБ- спектроскопия, рентгенография, дифференциал термик анализ, потенциометрия каби замонавий усуллар ёрдамида экспериментал натижалар олинганлиги билан асосланган. Ион мувозанат, молекуляр адсорбция жараёнлари кинетикаси ва термодинамикаси ҳақидаги замонавий назарияларда ишлатиладиган тенгламаларни қўллаш орқали олинган натижаларни таҳлил қилиш билан хулосалар чиқарилган ҳамда математик статистика усуллари билан қайта ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полиакрилонитрил толаси асосида кучли асос табиатига эга бўлган анион алмашувчи ва комплекс ҳосил қилувчи полимер материаллар олишнинг физик-кимёвий жиҳатларини аниқлашдан иборат.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган анион алмашувчи материаллар ва поликомплексонлар технологик сувлардан хром (VI) ва мис (II) ионларини ажратиб олишга эришилган, шунингдек саноат газларини тозалашда қўлланадиган метилдиэтанолламинни ифлослантитувчи моддалардан тозалашда ҳамда саноат материаллари шунингдек атроф муҳит объектларидан кобальт ва никель ионларини сорбцион-спектроскопик аниқлаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотларнинг жорий қилиниши. Полиакрилонитрил асосидаги янги ионитларнинг физик-кимёвий хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

толасимон сорбентлар ёрдамида ишлаб чиқилган сорбцион-спектроскопик усул «Muborak gaznu qayta ishlash zavodi» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («Muborak gazni qayta ishlash zavodi» МЧЖнинг 2019 йил 2 апрелдаги 281СК-04/40-сон маълумотномаси). Натижада атроф муҳит объектлари ва технологик материалларида кобальт ва никель ионларини тезкор аниқлаш имконини берган;

синтез қилинган анионит «МАХАМ-СНІРСНІQ» АЖда газларни тозалашда қўлланадиган метилдиэтанолламинни ишлатиш вақтида таркибида ҳосил бўлган ифлослантитувчи термик барқарор тузларнинг миқдорини камайтириш учун жорий этилган («МАХАМ-СНІРСНІQ» АЖнинг 2019 йил 2 июлдаги 19-55/31-сон маълумотномаси). Натижада метилдиэтанолламин таркибидаги термик барқарор тузлар миқдорини керакли даражада камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола республика, 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.²

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Полиакрилонитрил асосида анионалмаштирувчи материаллар синтези ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари**» номли биринчи бобда асосан полиакрилонитрил (ПАН)ни кимёвий модификациялаш орқали ионитлар олишнинг физик-кимёвий жиҳатлари ва хоссалари қиёсий кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, турли хил кимёвий реагентлар билан полиакрилонитрилни модификациялаш жараёнини ўрганиш саноатнинг турли соҳаларда кенг қўлланилувчи ион алмашиниш материалларини олиш имконини беради. Бироқ ушбу тадқиқотларни ўтказишда бундай материаллар олишнинг физик-кимёвий жиҳатларини ўрганишга етарлича эътибор қаратилмаган. Анион алмашинувчи толалар олишнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва уларни турли соҳаларда қўллаш, янги анион алмашинувчи толаларнинг турларини излаш, ишлов бериш ва уларни олиш усулларини яратиш янада долзарб вазифалардан ҳисобланади. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва гидрометаллургияда ион алмашувчи толасимон материалларнинг қўлланиши ҳақида хориж ва мамлакатимиз тадқиқотчиларининг изланиш натижалари ҳам шу бобда ўз аксини топган.

«**Полиакрилонитрил толасини полиэтиленполиамин ва дихлорэтан таъсирида кимёвий ўзгаришининг физик-кимёвий хусусиятлари**» номли иккинчи бобда ПАН- толасини полиэтиленполиамин (ПЭПА) ва дихлорэтан


² Муаллиф, диссертация ишини бажарилишида берган илмий маслаҳатлари учун кимё фанлари доктори, проф. М.Г.Мухамедиевга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

(ДХЭ) билан кимёвий модификациялашнинг физик-кимёвий қонуниятлари таҳлил қилинган.


ПЭПА билан таъсирланиш реакциясида гидроксиламин (ГА) билан қисман ишлов берилган, яъни фаоллаштирилган ПАН толаси ишлатилди. Бунда ГА билан модификацияланган толанинг НСІ бўйича ион алмашув сиғими 1 мг-экв/г га тенг бўлган. Реакциялар 353-373К ҳароратларда 1- 5соат давомида олиб борилган, ушбу шароитда ПЭПА билан модификацияланган полимер НСІ бўйича максимал 5,4 мг-экв/г статик алмашув сиғимига (САС) эга бўлган.

1-2- расмларда модификацияланган ПАН толасини САСига реакция бориш вақтининг давомийлиги, ҳарорат ва ПЭПА концентрацияси таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.

Расмлардан кўришиб турибдики, реакция давомийлиги ва ҳарорат ортиши билан модификацияланган толанинг САСи ошади, яъни ПАН толаси таркибида нитрил гуруҳларни анион алмаштирувчи функционал гуруҳларга айланиши ортиб боради. Адабиётлардан маълумки бундай айланиш фақатгина аминлар (ўрганилаётган ҳолатда ПЭПА) аминогуруҳларини нитрил гуруҳларга бирикиши ҳисобига кузатилиши мумкин. 2-расмда синтез қилинган сорбентнинг САСига ПЭПА концентрациясини таъсири келтирилган. Ундан кўришиб турибдики, ПЭПAnинг концентрацияси 50% бўлганда юқори алмашиниш даражасига, яъни САСига эришилган, кейинчалик концентрацияни яна оширилганда сорбентнинг САСини камайиши кузатилди. ПЭПА полимер бўлганлиги учун концентрацияси ортиши билан реакция муҳитнинг қовушқоқлиги кескин ортади, натижада кузатилаётган ходиса, полимер занжирлари орасига полиаминни диффузияланиши ва реакция боришини қийинлашиши билан тушунтирилади. Жараён диффузияси ҳароратга боғлиқ бўлганлиги учун ушбу ходиса ҳарорат ортиши билан яққолроқ намоён бўлади.




1-расм. ППА-1 сорбенти САСини реакция давомийлигига боғлиқлиги.
[ПЭПА]=50%




2- расм. ППА-1 толаси САСини полиамин концентрациясига боғлиқлиги τ=3 соат.

ПАНни полиэтиленполиамин билан модификациялаш жараёнида олинган кинетик маълумотлардан фойдаланиб ушбу реакция учун

фаолланиш энергияси ҳисобланди ва у 48,3кЖ/молни ташкил этди (3-расм). Топилган фаолланиш энергиясини кичиклиги, реакциянинг бошланғич босқичида гидроксилмин полимернинг нитрил гуруҳларини реакция қобилятини оширганидан далолат беради.



3- расм. lgV ни 1/T га боғлиқлиги.
[ПЭПА]=50%, $\tau = 3$ соат



4-расм. Модификациялаш реакция тезлигини lg[ПЭПА]га боғлиқлиги.
($T=373\text{K}$, [ПЭПА]=50%, ванна модули 1:40).

Нитрил гуруҳларини реакцияга кириш тезлиги, уларни, яъни нитрил гуруҳларини айланиш даражаси ҳосил бўлган анионитнинг САС орқали аниқланди. Бунинг учун нитрил гуруҳлар тўлиқ реакцияга киришган ҳолат учун САС ни назарий қиймати 100% айланиш даражасига тенг деб олинди. Натижада амалда аниқланган САС орқали полимернинг нитрил гуруҳларини айланиш даражалари ҳисоблаб топилди.

ПАН толасини ПЭПА билан модификацияланиш реакцияси гетероген жараён бўлиб, бундай жараёнларда реакция тезлиги фақат суюк ёки газсимон фазадаги модда концентрациясига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ПАНни ПЭПА билан кимёвий модификациялаш кинетикасидан олинган натижалар асосида ПЭПА концентрацияси бўйича реакция тартиби ҳисобланди (4-расм).

Шундай қилиб, ПАНни ПЭПА билан ўзаро таъсирлашиш реакция тезлик тенгламаси куйидаги кўринишга эга бўлади.


$$V = K [\text{ПЭПА}]^{0,9}$$

Шуни таъкидлаш жоизки, жараённинг гетероген тавсифи реакция тартибига таъсир этиб, полиэтиленполиамин бўйича тартиб бирга яқин қийматга эга бўлади ва у толани циан гуруҳи концентрациясига боғлиқ эмас.

Синтез қилинган сорбентларнинг ионоген гуруҳларини тавсифлаш мақсадида потенциометрик титрлаш ўтказилди. Титрлаш алоҳида тортимлار усулида статик шароитда амалга оширилди ва бунда $[\text{H}^+]$ ионларининг концентрацияси сорбент тортимлари устига ҳар хил миқдордаги 0,1н HClни 0,1н NaClдаги эритмасини қўшиш йўли билан ўзгартирилди/


5-расмда ПЭПА билан модификацияланган ПАН толасини потенциометрик титрлашнинг дифференциал эгрлари келтирилган. Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, титрлаш эгриси $[\text{H}^+] = 2,2$ мг-

экв/г да кескин сакраш намоён қилган. Шунингдек $[H^+]=1,1$ мг-экв/г да ҳам унча катта бўлмаган сакраш кузатилди.



5- расм. ПИА-1 анионитини потенциометрик титрлаш дифференциал эгрлари.
Сорбентнинг $SAC=5,0$ мг-экв/г.

Бу натижалар сорбент таркибида иккита (2,2мг-экв/г ва 1,1мг-экв/г) асос хоссасини намоён этувчи функционал гуруҳлар борлигидан далолат беради. Ош тузи бўйича SAC ни аниқлаш кучли асосли гуруҳлар бўйича унинг қиймати 2,2 мг-экв/г га тенглигини кўрсатди.




6 - расм. pH ни $\lg \alpha/(1-\alpha)$ га боғлиқлиги.

Сорбент таркибидаги гуруҳларнинг асослилик кучини баҳолаш мақсадида потенциометрик титрлаш эгрлари Гендерсон-Гассельбах тенгламаси асосида таҳлил қилинди. Бунда қуйидаги тенгламадан фойдаланилди: $pK_{\alpha} = pH - m \lg \frac{\alpha}{1-\alpha}$

Ҳақиқатдан ҳам Гендерсон-Гассельбах тенгламаси координатларида титрлаш маълумотлари таҳлил қилинганда pK_{α} 9,3 ва 7,4 га тегишли бўлган иккита функционал гуруҳ борлиги кўриниб турибди (6-расм). У. Мусаев ва Б. Ҳакимжонов томонидан илгари ўрганилган нитрон толасини гексаметилендиамин билан модификацияланган анионитларда pK_{α} нинг


ушбу қийматлари амин ва амидин гуруҳларга таълуқли эканлигини ва текширилайётган ҳолатда ҳам шундай бўлиш эҳтимолини кўрсатади. Юқоридаги хулосаларни тасдиқлаш мақсадида олинган намуналарни ИҚ-спектрлари таҳлил қилинди. ПЭПА билан модификацияланган намуналарнинг ИҚ-спектрларида нитрил гуруҳларининг валент тебранишларига мос келувчи 2240см^{-1} ютилиш чизигининг интенсивлиги камайган, $>\text{NH}$ гуруҳлари валент ва деформацион тебранишларига мос келувчи $3200 - 3500$ ва 1580см^{-1} соҳада янги ютилиш чизиклари пайдо бўлгани кузатилди. $>\text{C}=\text{N}$ - гуруҳни валент тебранишига қарашли 1640см^{-1} даги ютилиш чизиги кузатилган. Юқоридаги ИҚ-спектрлар таҳлили, потенциометрик титрлаш натижалари олинган полимернинг тузилишини куйидаги схема билан ифодалаш мумкинлигини кўрсатади:



Схемадан анионит таркибида амин ва амидин гуруҳлар мавжудлиги кўриниб турибди, демак анионитдаги кучли асосли хосса кузатилиши амидин гуруҳлар борлиги билан изоҳланиши мумкин. Олинган толасимон ионитлар ҳеч қандай эритувчиларда эримаслиги ва фақат бўкиши улар таркибида чокланиш ҳисобига уч ўлчамли тизимлар бўлиши мумкинлигига кўшимча исбот бўла олади.


ПАНни ПЭПА билан модификациялаш кинетикасини тадқиқ этиш натижасида қулай реакция шароит аниқланди ва HCl бўйича $5,3$ мг-экв/г SAC га тенг бўлган анион алмаштирувчи (**ППА-1**) толалар синтез қилинди. Бу натижага ПЭПА концентрацияси 50% , ҳарорат 373K , реакция давомийлик вақти 3 соат, ванна модули 40 бўлган шароитларда эришилди.

Адабиётлардан маълумки, сорбентларнинг SAC и қиймати уларга ионалмашув хоссасини берувчи функционал гуруҳлар миқдорига боғлиқ. Функционал гуруҳлар миқдорини ошириш йўлларида бир эса модификацияланган полимернинг ён занжирларини узайтиришдан иборатдир.



Шундан келиб чиққан ҳолатда ПАН ни ПЭПА билан модификациялашда толанинг функционал гуруҳлар миқдорини, шунингдек кучли асосли гуруҳлар бўйича SAC қиймати ошириш мақсадида уни кўшимча ДХЭ билан модификациялаш олиб борилди.


Олиб борилган реакцияни қуйидаги схема билан ифодалаш мумкин:



ПАН толасини ПЭПА билан модификациялаш жараёнида ДХЭ қўшилиши компонентлар орасидаги поликонденсатланиш реакциясини содир бўлишига ва ён занжирларнинг узайишига олиб келади. Натижада ПАН толасини ДХЭ иштирокида модификациялаш орқали янги **ППД-2** сорбенти синтез қилинди ва кучли асос гуруҳлар бўйича САС ни 3,0 мг-экв/г гача ортишига эришилди. Олинган натижалар полимер ён занжирларини поликонденсатланиши орқали юқори алмашув сиғимига эга бўлган сорбентларни олиш имкониятларини очиб берди.

Диссертациянинг «**Полиакрилонитрил асосида олинган анионитлардан поликомплексонлар олишнинг физик-кимёвий асослари**» номли учинчи бобида ППА-1 анионитини монохлорсирка кислотаси (МХСК) билан таъсирлашиш орқали поликомплексонлар олиш кинетикаси ва механизми берилган.

Хелат ҳосил қилувчи поликомплексонлар олиш мақсадида ППА-1 толасини МХСК билан кимёвий модификациялаш қуйидаги схема бўйича олиб борилган:



ППА-1 толасини МХСК билан кимёвий модификациясининг мақбул ҳароратини аниқлаш учун модификациялаш жараёнининг кинетикаси 50, 70, 90, 100⁰С ҳароратларда ўрганилди. Ҳосил бўлган полимер таркибидаги янги функционал гуруҳларни алмашиниш даражасини тавсифлаш учун олдинги ишлар каби САС и қийматини аниқлаш усулидан фойдаланилди.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, поликомплексонларнинг NaOH бўйича САС қиймати реакция давомийлиги узайиши билан ортиб борди, HCl бўйича эса камайди. Кузатилаётган ҳодиса таклиф қилинаётган реакция схемасини тасдиқлади ва ППА-1 толаси ҳамда МХСК орасидаги

таъсирлашув иккиламчи аминогуруҳларни учламчи аминогуруҳларга айланишидан ва сорбент таркибида карбоксил гуруҳлар пайдо бўлишидан далолат берган.

1- жадвал.

ППМ-1 поликомплексонинг HCl ва NaOH бўйича статик алмашув сифими
($T=90^{\circ}\text{C}$, $[MXCK]=15\%$)


Сорбент	τ , мин	САС, мг-экв/г (0,1н HCl бўйича)	САС, мг-экв/г (0,1н NaOH бўйича)
ППМ-1	60	3,0	4,6
	120	2,9	5,0
	180	2,8	5,5

ППА-1 ва олинган поликомплексон (ППМ-1)ни ИҚ- спектрлари солиштирилганда маҳсулотда янги 1711cm^{-1} соҳада $>\text{C}=\text{O}$ гуруҳларининг валент тебранишларига мос келувчи ютилиш чизиғи пайдо бўлиши кузатилган. Аминогуруҳларга мос келувчи чизиқлар интенсивлиги камайган ва улар ички молекуляр водород боғлар ҳосил бўлиши ҳисобига кенгайган.

Шундай қилиб, илк бор ППА-1 анионитни МХСК билан модификациялаш орқали катион ва анионларга нисбатан юқори сорбцион қобилиятга эга бўлган янги полимер комплексонлар олинган.

Диссертациянинг «Полиакрилонитрил асосида олинган анионит ва поликомплексонларнинг физик-кимёвий хоссалари» номли тўртинчи бобида сорбентларнинг турли хил кимёвий реагентларга, шу жумладан кучли оксидловчиларга бардошлилигини тавсифлаш учун умумий қабул қилинган тадқиқ усулларидан фойдаланилган.

Тажрибалар шуни кўрсатадики синтез қилинган сорбентлар кучли оксидловчилар таъсирига чидамли бўлиб, кимёвий реагентлар таъсирида намуналарнинг САС қийматининг максимал камайиши ўртача 30% бўлган.



7-расм. Дастлабки (а) ПАН толасини ва айланиш даражаси 20 (б), 40 (в), 60 (г)% бўлган ППА-1 сорбентининг рентгенограммалари.

Модификациялашдан сўнг ПАН толалаари таркибидаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида турли САСга эга бўлган ППА-1 сорбентини

рентгентфазовий таҳлили ўрганилди. Бошланғич ПАН толаси ва ПЭПА билан модификацияланган ПАНнинг рентгент нурланиш дифракцион тузилишини таққослаш шуни кўрсатдики, кимёвий модификациядан сўнг олинган намуналарда полимернинг кристалл соҳаларига мос келадиган чўққининг пасайиши ва полимернинг аморф тузилиш ҳолатига аста секинлик билан ўтиши кузатилмоқда.

Расмлардан кўришиб турибдики ПАН толасини ПЭПА билан модификациялаш жараёнида айланиш даражаси, яъни статик алмашув сифими ортиши билан полимер кристалл ҳолатдан аморф ҳолатга ўтиб боради. Бунда полимернинг айланиш даражасининг 65% дан ортиши билан толасимон ҳолатдан сорбент гелсимон ҳолатга ўтиши билан ҳам кузатишимиз мумкин. Натижада полимер усткимолекуляр тузилишида ҳам ўзгаришлар содир бўлади.

Олинган полимерларнинг термик барқарорлигини тавсифлаш учун термогравиметрик анализдан фойдаланилган. Полимерларнинг ҳароратбардошлилиги термик ва термооксидланиш деструкцияси бошланадиган, қўйи молекуляр бирикмалар ажралиб чиқадиган ҳарорат чегараларида аниқланади. Полимерларнинг ҳароратбардошлилигини ўрганишда ҳарорат таъсирида масса йўқотишига асосланган термогравиметрик (ТГ) анализдан кенг фойдаланилади.


Берилган ҳароратда циклланиш асосан метакрилат ва итакон звенолари билан қўшни бўлган нитрил гуруҳларда кетади. ППА-1 сорбентида масса йўқотиш максимуми 598К да кузатилди, буни худди тоза ПАН толасидагидек, реакцияга киришмаган нитрил гуруҳининг блоккли кетма-кетликда ичкимолекуляр циклланиш ҳисобига масса йўқотилиши билан тушунтириш мумкин. Полимердаги кейинги парчаланишлар эса полимер занжирининг аста-секинлик билан деструкцияга учраши ҳисобига содир бўлади. Модификацияланган ППА-1 учун ДТГ эгриси йўналиши сезиларли ўзгаради. Модификацияланган ППА-1 сорбент учун ДТГ таҳлили ионит тузилиши ҳақида қўшимча маълумот беришга хизмат қилади. Биринчи масса йўқотиш тезлиги ортиши 343 дан 373К атрофида кузатилди ва бунда полимер массасини 4% га йўқотган. Бу сорбент таркибидаги сув молекулалари чиқишини кўрсатади. Худди шунга яқин ҳолат ППД-2 ионити ТГ анализда ҳам кузатилади. ППД-2 анионити СГ кўринишда ёнаки аминогуруҳлар ҳарорат 575К бўлганда ажралиб чиқа бошлайди. Шундай қилиб, ПЭПА билан модификацияланган тола учун масса йўқотиш тезлигининг ортишини иккиламчи, учламчи аминогуруҳларнинг деструкцияси билан тушунтириш мумкин. Айнан ПАН учун амалда ДТГ эгрисининг кейинги йўналиши бир текис бўлиб, шунингдек юқори ҳароратларда масса йўқотишни кўтарилиб тушиши кузатилади.

Ион алмашувчи материалларнинг солиштирма сирти ва ғовақлар ўлчамлари сув буғларини ютилиши орқали аниқланган. Дастлабки полиакрилонитрил толасининг солиштирма сирти 24,09м²/г ни ташкил этган бўлса, аминлар таъсирида кимёвий модификациялаш солиштирма сиртни

ўртача 2 баробарга оширган. Дастлабки толага нисбатан модификацияланган сорбентларнинг ғоваклар радиуси ва ҳажми ҳам ортган.

Модификациялаш жараёнидан сўнг олинган сорбентларнинг сорбцион катталиклари дастлабки толаларнинг сорбцион катталикларига нисбатан бирмунча катталиги юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Диссертациянинг «**Олинган анионит ва поликомплексонларни сорбцион хоссалари**» номли бешинчи бобида статик шароитда $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$ ионларини сувли эритмаларидан ППА-1 ва ППД-2 сорбентларига ютилиши физик-кимёси ўрганилган. Иккала сорбентда ҳам ҳарорат ортиши билан солиштирма адсорбциянинг ортиши кузатилган (7-расм).



7- расм. ППА-1 ва ППД- 2 анионитларига бихромат ионларининг сорбция изотермаси.

Расмдан кўришиб турибдики, ҳарорат ва бошланғич эритмада $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$ ионлари концентрациясининг ортиши сорбентлар томонидан ионларни ютилишини ортишига олиб келади. Бу эса сорбция жараёни кимёвий боғланиш ҳисобига содир бўлишидан дарак беради, яъни хемосорбцияланиш кузатилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ППД-2 сорбентида кучли асос гуруҳларнинг САС ППА-1 сорбентига нисбатан кўпроқ бўлгани учун унга хром ионлари кўпроқ ютилади.

Бихромат ионларини ППА-1 ва ППД-2 сорбентларига ютилиши натижалари асосида жараённинг термодинамик параметрлари ҳисобланган (2-жадвал).

2-жадвал

ППА-1 ва ППД-2 сорбентларига $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$ ионларини ютилиши жараёнида термодинамик функцияларининг ўзгариши

T, K	Γ_{∞} моль/г	K, л/моль	$-\Delta G$, Ж/моль	ΔH , Ж/моль	ΔS , Ж/моль·K
ППА-1 сорбенти учун					
293	2,0	195	12852,4	31500	151,02
303	2,7	296	14342,8		
313	4,0	416	15702,0		
ППД-2 сорбенти учун					
293	2,9	800	16293,0	9250	87,1
303	3,3	900	17145,7		
313	5,0	1000	17985,6		

2-жадвалдан кўришиб турганидек, ППА-1 ва ППД-2 сорбентига $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$ ионларини ютилиш жараёни эркин энергия камайиши, энтальпия ва энтропиянинг ортиши билан боради. Система энтальпиясининг ортиши хром ионлари билан сорбент орасида боғланиш бўлганлигидан гувоҳлик беради.

ППД-2 сорбентида кучли асосли гуруҳлар кўплиги хром ионларини кўпроқ ютилишига имконият яратади.

Полиакрилонитрил толасини полиэтиленполиамин ва кейин монохлор сирка кислотаси билан модификациялаб олинган ППМ-1 сорбентига мис (II) ионлари сорбцияси статик шароитда муҳит рН=12 да амалга оширилди. ППМ-1 сорбентига $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_4]^{2+}$ ионлари сорбциясини вақтга, ҳароратга ва дастлабки эритмадаги $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_4]^{2+}$ ионларининг концентрацияга боғлиқлиги ўрганилди. Тажрибалар натижасида ҳарорат, ютилаётган ионнинг концентрацияси ва вақт ортиши билан сорбция жараёни ортиши кўрсатилди.

ППМ-1 поликомплексонида Cu(II) ионлари адсорбцияланиш жараёни натижалари асосида термодинамик функцияларнинг ўзгариши ҳисобланди.

Жадвалдан кўришиб турибдики, адсорбциянинг мувозанат константа қиймати бирдан катта, бу ППМ-1 сорбенти $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_4]^{2+}$ ионларини селектив ютиб олишидан далолат беради. Мис (II) ионларининг натрий ионларига алмашилиш жараёни ўз-ўзича эркин энергия камайиши, энтальпия ва энтропиянинг ортиши билан боради.

3-жадвал

ППМ-1 толасига $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_4]^{2+}$ ионлари сорбциясида термодинамик функцияларнинг ўзгариши

Т, К	Γ_{∞} моль/г	К	$-\Delta G,$ Ж/моль	$\Delta H,$ Ж/моль	$\Delta S,$ Ж/моль·К
303	2,4	3,1	2847,0	7500,0	33,97
313	3,0	3,3	3105,0		
323	4,0	3,6	3438,0		

Адабиётларда гальваник цехларнинг оқава сувларидан хром ионларидан тозалашда СМА-1 толасимон сорбенти таклиф қилинган бўлиб, ушбу сорбент нитронни гексаметилендиамин билан кимёвий модификацияси натижасида олинган. Бу сорбент жуда паст концентрацияларда ва рН нинг кенг интервалларида ҳам хром ионларини бутунлай ютиб олиши кўрсатилган. Унинг хром ионлари бўйича ДАС 88 мг/г ни ташкил қилган. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш жоизки нитрон толасини модификацияловчи диамин қимматлиги туфайли уни саноат миқёсида ишлаб чиқариш бир қатор қийинчиликлар туғдиради. Шу мақсадда нисбатан арзон ҳисобланган ПЭПА билан модификация қилинган ППД-2 сорбентини Cr(VI) ионларидан тозалашга тавсия қилиш мақсадида сунъий эритмалардан динамик сорбциясининг техник режими ишлаб чиқилди. Бунинг учун ППД-2 сорбенти 0,2 г/см³ зичликда колонкага жойланди, 0,1Н ли HCl эритмаси билан фаоллаштирилди. ва концентрацияси 0,1г/л бўлган K₂Cr₂O₇ эритмаси ўтказилди.

4-жадвал

ППД-2 сорбентининг Cr₂O₇²⁻ ионлари ва хром атоми бўйича ДАСига регенерация циклининг таъсири

ДАС, мг/г	Регенера- циягача	NaOH нинг 5% сувли эритмаси билан регенерациядан кейин									
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Cr ₂ O ₇ ²⁻ бўйича	200	195	190	185	178	173	168	162	155	152	145
Cr бўйича	70	68	65	61	61	59	55	53	51	51	50

Сорбентни регенерацияси 5% ли NaOH эритмасида амалга оширилди. Сорбент юқори кимёвий барқарорликка эга эканлиги ва уни кўп марта ишлатиш мумкинлиги аниқланди. Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турганидек, сорбентнинг ДАС қиймати ўн марта сорбция-десорбция

жараёнида атиги 28 % ўзгарди ва хром иони бўйича ДАС ўзгариши 70-50мг/г оралиғида бўлди.

Шундай қилиб, сунъий эритмалардан динамик шароитда сорбентнинг ДАС ини ўрганиш шуни кўрсатдики, сорбция жараёни диффузион кечикишларсиз кечади ва сорбент сифими Cr (VI) иони учун 70 мг/г га етади. Ишлаб чиқилган сорбентларни галваник цехларнинг хромлаш бўлими оқава сувларини Cr (VI) ионларидан тозалаш учун тавсия этиш мумкин.

ППА-1 сорбентини монохлор сирка кислотаси билан модификациялаб олинган ППМ-1 сорбентига мис (II) ионлари сорбцияси статик шароитда муҳит рН=12 да амалга оширилди, сорбцияланувчи ион сифатида $[Cu(NH_3)_4]^{2+}$ мис аммиакати иони танланди, чунки бу катионнинг сувли эритмаси ёрқин, тўқ кўк рангли бўлиб, 590 нм тўлқин узунлигида ютилишни таъминлайди.

Шунингдек ППМ-1 ионалмашинувчи материалга мис (II) ионларининг сорбцияси динамик шароитларда ўрганилди. Сорбцион материаллардан амалда фойдаланиш учун сорбентнинг регенерация цикли жуда муҳимдир. Сорбент регенерацияси 0,5Н ли H_2SO_4 эритмаси билан амалга оширилди. Сорбент юқори кимёвий барқарорликка эга эканлигини ва уни кўп марта ишлатиш мумкинлиги аниқланди. Қуйидаги жадвалда 10 марта сорбция - десорбция жараёнида ДАС қиймати 9 % га ўзгарган.

5-жадвал

ППМ-1 сорбентининг $[Cu(NH_3)_4]^{2+}$ ионлари бўйича ДАСига регенерация циклининг таъсири

ДАС, мг/г	ДАС регенера- циягача	H_2SO_4 нинг 0,5 Н сувли эритмаси билан регенерациядан кейин									
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
$[Cu(NH_3)_4]^{2+}$ бўйича	330	328	320	316	310	310	310	309	306	300	300

Полиакрилонитрилни модификациялаб олинган ППМ-1 сорбентини мис ионларидан оқава сувларни тозалашда ва технологик эритмаларни концентрлаш жараёнларида қўллаш мумкин.

6-жадвалда сорбент ДАС қийматига $[Cu(NH_3)_4]^{2+}$ эритма концентрацияси ва эритмани ППМ-1 сорбентли колонкадан ўтиш тезлигига боғлиқлигини ўрганиш натижалари келтирилган.

Шундай қилиб, ППМ-1 сорбентининг сорбцион қобилияти эритмани ўтиш тезлиги 3-4 марта оширилса ҳам амалда юқори бўлиб қолаверади ва сув тозалаш шароитларида мос келиши мумкин.

6-жадвал

ППМ-1 сорбенти ДАСига бошланғич эритма концентрацияси ва колонкадан ўтиш тезлигининг таъсири (САС HCl бўйича 4,5 мг-экв/г)

Мис (II) концен- трацияси, г/л	Эритманинг ўтиш тезлиги, мл/дақ.	ДАС $Cu(NH_3)_4]^{2+}$ бўйича мг/г	Эритма рН
1,0	6	220	12
0,5	6	250	12
0,1	6	330	12
0,5	2	320	12
0,5	4	310	12
0,5	6	250	12
1,0	5	160	4,2
0,5	5	167,5	4,2
0,1	5	175	4,2

Олтинчи боб «Полимерларнинг кимёвий ўзгаришларини олиб бориш ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш услублари»да қўлланилган реактивларнинг тавсифи, полимерларда кимёвий ўзгаришлар олиб бориш усуллари ва тадқиқотлар услублари келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Полиакрилонитрилни полиэтиленполиамин билан модификациялаб анионитлар олиш ва анионитдан монохлорсирка кислотаси таъсирида поликомплексон синтези кинетикасини тадқиқ қилиш натижасида топилган фаолланиш энергияси қиймати, реакция тезлигининг фақат модификацияловчи агент концентрациясига боғлиқ эканлиги, ўрганиланиётган жараёнларни гетероген реакцияларга хос қонуниятларга бўйсинишини кўрсатди.

2. Анионит, поликомплексонлар олиниши ва хоссаларини физик-кимёвий жиҳатларини тадқиқ қилиш янги ионалмашувчи толасимон материаллар синтезининг мақбул шароитларини аниқлаш имконини берди.

3. ИҚ- спектроскопик усул, термик анализ ва аналитик усуллар орқали полиакрилонитрил асосида олинган анионитларнинг кимёвий тузилиши, термик ва кимёвий барқарор эканликлари ҳамда анионитни асосли хоссалари таркибида амин ва амидин гуруҳлар, поликомплексонда эса асосли ва карбоксил гуруҳлар борлиги билан изоҳланади.

4. Полиакрилонитрил асосида синтез қилинган анионит ва поликомплексонга хром (VI) ва мис (II) ионларини сорбциялаш жараёни кинетикаси ва термодинамикаси тадқиқ қилинди. Аниқланган кинетик ва термодинамик параметрлар ионитларни хромат ва мис (II) ионларига нисбатан мойиллиги юқори эканлиги шунингдек анионитни кучли оксидловчилар таъсирига чидамлилиги эса унинг таркибида кучли асосли гуруҳлар борлиги билан изоҳланади.

5. Хром (VI) ва мис (II) ионларини синтез қилинган анионит ҳамда поликомплексонга динамик шароитда сорбция-десорбция жараёнлари текширилди. Олинган натижалар анионит ва поликомплексонларнинг сорбцион хоссалари қайта ишлатиш даврида амалда ўзгармаганлигини кўрсатди, бу эса уларни кўп маротаба қўллашга тавсия қилиш имконини берди.

6. Анионитларга органик реагентларни иммобиллаш орқали ишлаб чиқилган сорбцион-спектроскопик усул «Muborak gaznu qayta ishlash zavodi» МЧЖ да атроф муҳит объектлари ва технологик материаллардан кобальт ва никел ионларини тезкор аниқлаш мақсадида жорий этилди, бу эса метал ионларини аниқлаш самарадорлигини оширишга олиб келди.

7. Анионитлар асосида «Махам-Chirchiq» АЖда газни тозалашда қўлланиладиган метилдиэтанолламинни ишлатиш вақтида ҳосил бўлган ифлослантирувчи моддалардан тозалашга имкон берувчи ускуна яратилди ва жорий қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.12.2019. К.01.03 ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ШАХИДОВА ДИЛБАР НЕМАТОВНА

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА НОВЫХ АНИОНИТОВ НА
ОСНОВЕ ПОЛИАКРИЛОНИТРИЛА**

02.00.04– Физическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирован в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.2.PhD/К36.

Докторская диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу Научного совета ik-kituо.nuu.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: Гафурова Дилфуза Анваровна
доктор химических наук, доцент

Официальные оппоненты: Рузимурадов Олим Норбекович
доктор химических наук, доцент

Тробов Хамза Турсунович
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация: Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «26» 08 2020 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019. К.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № 62). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24.)

Автореферат диссертации разослан «19» 08 2020 г.

(протокол рассылки № 7 от «18» 08 2020 г).



Х.Т. Шарипов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

З. А. Сманова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

А.Ж. Холиков
Заместитель председателя научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире в области использования ионообменных технологий решается широкий круг научных и практических задач, в особенности особое значение представляет изучение физико-химических параметров получения ионообменных смол, содержащих группы с различными желаемыми свойствами, и определение физико-химических свойств этих ионитов.

В мире проводится множество физико-химических исследований по повышению селективности ионообменных и комплексообразующих сорбентов по отношению к ионам для решения промышленных и экологических проблем и получению термически и химически устойчивых ионообменных материалов. Также было проведено множество работ по исследованию физико-химических характеристик получения для решения промышленных, экологических, технологических проблем, для определения ионов металлов. Изучение физико-химических аспектов работы ионообменных сорбентов обеспечивает эффективную работу технологий производства химической продукции, очистки сточных вод и многих других.

Учитывая высокий спрос на ионообменные технологии в нашей стране, исследование физико-химических аспектов получения сорбентов на основе местного сырья, определение оптимальных условий получения сорбентов и их внедрение позволит ускорить разработку новых видов химических продуктов, расширить спектр практических работ по более устойчивому развитию и производству импортозамещающей продукции. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан³ поставлены важные задачи, направленные на «повышение качества отрасли промышленности глубокой переработки местного сырья до нового уровня» и «освоение производства принципиально новой продукции, обеспечивающей конкурентоспособность отечественных товаров на внутреннем и внешнем рынках». В связи с этим важно расширить производство комплексных материалов путем модификации полимеров, полученных в химической промышленности.

